

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ХОРИЖИЙ ДЕЛЕГАЦИЯЛАР РАҲБАРЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Тошкентда Парламентлараро иттифоққа аъзо мамлакатлар парламентлари аёл раҳбарларининг 14-саммити бўлиб ўтмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 8 сентябрь куни мазкур саммитда иштирок этиш учун мамлакатимизда бўлиб турган хорижий делегациялар раҳбарларини қабул қилди.

Туркменистон Миллий Кенгаши Мажлиси Раиси Гулшат Маммедова билан учрашувда у Ўзбекистон Президентига Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов ва Миллий Кенгаш Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедовнинг саломини ва эзгу тилақларини етказди.

Давлатимиз раҳбари мустақиллик, дўстлик ва яхши қўшничилик, ишонч ва стратегик шериклик алоқаларига асосланган Ўзбекистон — Туркменистон муносабатларининг бугунги юксак даражасини катта мамнуният билан қайд этди.

Кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш, қўшма кооперация лойиҳаларини ва маданий-гуманитар алмашинув дастурини илгари суришда икки мамлакат парламентлари муҳим ўрин тутгани алоҳида таъкидланди.

Парламентлараро иттифоқ, шу жумладан, Марказий Осиё минтақасидаги самарали мулоқот доирасидаги сермахсул ҳамкорликка юқори баҳо берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Озарбайжон Республикаси Миллий Мажлиси Раиси Соҳиба Гафаровани қабул қилди.

Соҳиба Гафарова самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, давлатимиз раҳбарига Озарбайжон Президенти Илҳом Алиевнинг саломини ва эзгу тилақларини етказди.

Сўхбатда олий даражадаги мунтазам учрашув ва мулоқотларда эришилган келишувларга мувофиқ ҳар томонлама ҳамкорлик жадал ривожланиб, амалий шериклик кенгайиб бораётгани алоҳида қайд этилди.

Озарбайжон Президентининг жорий йил июнь ойидаги Ўзбекистонга тарихий ташрифининг сермахсул натижалари — иқтисодийнинг турли тармоқларида кооперация лойиҳаларини илгари суриш, барча даражалардаги мулоқот ва гуманитар алмашинувни фаоллаштиришга кучли суръат бағишлади.

Ўзбекистон етакчиси кўп томонлама нуфузли тузилмалар доирасида парламентлараро ҳамкорликни янада кенгайтириш борасидаги саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлади.

Президентимиз Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши Раисининг ўринбосари Галина Кареловани қабул қилди.

Россия парламенти раҳбарининг ўринбосари Ўзбекистон етакчисига самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Россия Президенти Владимир Путин ва Федерация Кенгаши Раиси Валентина Матвиенконинг саломини ва эзгу тилақларини етказди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон — Россия стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларида кейинги йилларда юксак даражада эришилганини, кўп қиррали ҳамкорлик жадал ривожланиб бораётганини алоҳида мамнуният билан қайд этди.

Олий даражадаги келишувларни амалга ошириш ва ҳамкорликни кенгайтиришга икки мамлакат парламентларининг яқин ва самарали алоқалари фаол ҳисса қўшмоқда.

Бундай сермахсул мулоқотларни, жумладан, кўп томонлама тузилмалар — Парламентлараро иттифоқ ва МДҲ Парламентлараро ассамблеяси доирасида давом эттириш муҳимлиги таъкидланди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Парламентлараро иттифоқ делегацияси — ушбу тузилма раиси Дуарте Пачеко ва бош қотиби Мартин Чунгонни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистоннинг Парламентлараро иттифоқ билан сермахсул ҳамкорлиги жадал ривожланиб бораётганини катта мамнуният билан қайд этди.

Шу кунларда Тошкент шаҳрида жаҳон мамлакатлари парламентлари аёл раҳбарларининг 14-саммити муваффақиятли ўтмоқда. Унинг кун тартибидан демократик ва ижтимоий-иқтисодий янгиланишларни қўллаб-қувватлашнинг самарали институтларини ривожлантириш, гендер сиёсатини амалга оширишга доир глобал ва минтақавий аҳамиятга эга муҳим масалалар ўрин олган.

Бундан ташқари ушбу нуфузли халқаро ташкилот билан биргаликда қатор муҳим лойиҳалар амалга оширилди, Бухоро шаҳрида Барқарор ривожланиш мақсадлари бўйича парламент форуми ва бошқа тадбирлар ўтказилди.

Парламентлараро иттифоқнинг юқори даражали вакиллари Ўзбекистон етакчисига қўшма ташаббусларни илгари суришда кўрсатаётган ҳар томонлама кўмак учун миннатдорлик билдириб, Янги Ўзбекистондаги ислохотлар дастурини тўлиқ қўллаб-қувватлади.

Учрашувда барқарор ривожланиш, демократик қадриятларни илгари суриш, ёшларни қўллаб-қувватлаш соҳаларидаги мақсад ва вазифаларга эришиш, иттифоқнинг Инновациялар маркази билан ҳамкорлик қилиш каби йўналишларда ўзаро манфаатли алоқаларни янада кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

ЎЗА

Муносабат Суд тизими мустақиллиги — қонунийлик гарови



Суд тизими мустақил бўлмас экан, жамиятимизда ривожланиш бўлмайди. Суд идорасига иши тушган ҳар бир шахс ушбу даргоҳда қонун ва адолат устувор эканига ишонч ҳосил қилиши лозим. Янги Ўзбекистонда ҳар қандай баҳсли масалага адолатли ечим фақат одил суд томонидан топилиши керак. Судьялар ишига ҳар қандай аралашув кескин жазоланади, уларнинг хавотирсиз ишлаши учун барча зарур шарошлар яратилади. Қанчалик қийин бўлмасин, суд тизимидаги ислохотларимизни албатта, давом эттираемиз.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев жорий йил 31 август кунини "Янги Ўзбекистон" боғида бўлиб ўтган Мустақил-лигимизнинг 31 йиллигига бағишланган тантанали тадбирда ана шу фикрларни таъкидлади.

Ҳақиқатан ҳам, демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятини шакллантиришда суд ислохотлари алоҳида ўрин тутди. Бинобарин, суд тизимини босқичма-босқич демократлаштиришда, шубҳасиз, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қиладиган суд ҳокимиятининг мустақиллиги тўғрисидаги

конституциявий тамойилга қатъий риоя этилган ҳолда кейинги йилларда суд-ҳуқуқ соҳасида давлатимиз раҳбари ташаббуси билан амалга оширилган ишларнинг салмоғи бекиёсдир.

Агар бундан ўн йил олдинги аҳволга назар солсак, оддий фуқаро ҳоким, вазир ва бошқа турли органлар раҳбарлари тугул, бирон-бир суд идораси ё судьянинг олдида ҳам яқинлаша олмас эди. Судга мурожаат қилган фуқарога "низо пайдо бўлишига унинг ўзи айбдор" деган мазмунда қараларди.

(Давоми 2-бетда) ►

ЎЗБЕКИСТОНДА ЖАҲОН ПАРЛАМЕНТЛАРИ АЁЛ РАҲБАРЛАРИНИНГ 14-САММИТИ БЎЛИБ ЎТМОҚДА

Тошкентда Парламентлараро иттифоққа аъзо давлатлар парламентлари аёл раҳбарларининг навбатдаги 14-саммити бўлиб ўтмоқда.

Саммитда БМТ, Парламентлараро Иттифоқ ва унга аъзо мамлакатлар парламентлари палаталарининг аёл-спикерлари, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Парла-

мент Ассамблеяси каби халқаро ташкилотлар раҳбарлари, 17 давлатдан 120 дан ортиқ парламент вакиллари иштирок этмоқда.

Парламентлараро Иттифоқ ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ҳамкорлигида ташкил этилган анжуман "Парламент етакчилиги: барқарорлик ва фаровонлики

янада самарали таъминлашда хавф-хатарларни баҳолаш" мавзусига бағишланди.

Саммитнинг асосий мақсади — COVID-19 пандемияси ва у билан боғлиқ инқироз оқибатларини ҳисобга олган ҳолда, барқарорлик ва фаровонлики самарали таъминлаш мақсадида хотин-қизларнинг ҳуқуқларини кенгайтириш бў-

йича парламентлар фаолиятининг устувор йўналишлари ва ҳаракатларини белгилашдан иборатдир.

Тадбир аввалида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ушбу нуфузли анжуман иштирокчиларига йўллаган мурожаатини Президент магбуот қотиби Шерзод Асадов ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раиси Танзила Норбоева саммитни таъкидлаш сўзи билан очар экан, анжуман кун тартибидеги барча мавзулар ўта долзарб, дунё мамлакатларининг келажак тақдири учун катта аҳамиятга эга эканлигини алоҳида қайд этди.

(Давоми 2-бетда) ►

Халқимиз ҳақиқат эгилари, букилади, лекин синмайди, дея бежизга айтмаган. Бунини ҳаётдаги кўплаб мисоллар ҳам яққол тасдиқлайди.

Инсонпарварлик тамойиллари

Адолатнинг машаққатли йўли

ёхуд олти йилдан кейинги оқлов



Масалан, Риштон тумани ички ишлар бўлими паспорт бўлинимаси собиқ бошлиғи С.Исмоилов 2016 йил ноҳақ жиноий жавобгарликка тортилганда, бир кун келиб, албатта, ҳақиқат қарор топишига қаттиқ ишонганди. Ҳақиқатан ҳам, орадан 6 йил ўтиб, у суднинг ажримига асосан оқланди.

Хўш, С.Исмоилов нега жиноий жавобгарликка тортилган эди?

Айблов ҳулосасида ёзилганича, у кўл остида ишлаган катта инспектор Б.Жиянбоев (шу иш бўйича судланиб, Фарғона вилояти суди жиноят ишлари бўйича апелляция инстанциясининг 2021 йил 20 сентябрдаги ажримига асосан оқланган), "Халқ банки"нинг Риштон тумани филиали махсус касса кассири И.Аминов, "Миллий банки"нинг Риштон

тумани филиали махсус касса кассири У.Мамасидиқов билан ўзаро жиноий тил бириктирган ва мансаб мавқеини суистеъмол қилган ҳолда 2014 йил 1 январдан 2015 йил 20 августга қадар фуқаролик паспортини йўқотган ёки алмаштириш мuddатини ўтказиб юборган 105 нафар ҳуқуқбузардан энг кам ойлик иш ҳақининг 2 ёки 3 баравари миқдорида жарима ундирилган, аммо тўлов чипталарида энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдоридаги маблағни қайд этган, қолган 15.526.600 сўмни, шунингдек, 348 нафар ҳуқуқбузардан ундирилган 38.606.800 сўмни банкка топширмасдан ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилган.

(Давоми 2-бетда) ►

Янги нашр

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг лингвистик экспертизаси — долзарб вазифа

Ҳаракатлар стратегияси доирасида мамлакатимизда ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги мақомини янада ошириш, номатив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат тилида сифатли тайёрлаш, қабул қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

(Давоми 3-бетда) ►



Қилинмиш-қидирмиш

ҒАВҒОСИ ЧИҚҚАН «ЁРДАМ»

Ҳеч кимга сир эмас, хавфли иллат саналган порахўрлик замирида жамият ҳаётини ич-ичидан кемирувчи оғир оқибатли коррупциявий хатти-ҳаракатлар ётади ва у барчанинг турмушига раҳна солади. Хонқа тумани электр таъминоти корхонаси бошлиғи вазифасини вақтинча бажарган Р.Юнусовнинг қилмиши ҳам бу фикрни яққол тасдиқлайди.

Ўтган йилнинг ёз фаслида "Ҳасан-Азиз" фермер хўжалиги қарашли балиқчилик ҳавзасида электр қуввати узилиб, сув насоси ишламай қолади. Шунда фермер хўжалиги раҳбари Ҳасан Ориповнинг боши



қотади. Чунки фермер хўжалиги электр энергияси тармоғига ноқонуний улангани учун тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш ва 10 киловатт соатга тенг қувватдан фойдала-

ниш учун рухсатнома олиш, белгиланган тартибда шартнома тузиш ва зарурий тўловларни амалга ошириш ишлари бажарилмаган эди.

(Давоми 3-бетда) ►

Қонун ижодкорлиги

Давлат бюджети ва ижтимоий соҳалар

бу борадаги мутаносиблик —

инсон манфаатларига хизмат қилади



Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг яқинда бўлиб ўтган мажлисида мамлакатимиз Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2022 йил биринчи ярми якунлари бўйича ижроси тўғрисидаги ҳисобот қўриб чиқилди.

(Давоми 2-бетда) ►

Нуқтаи назар

Оилага оид низолар: таҳлил ва таклиф

Инсон оилада дунёга келади ва вояга етади. Оила мустаҳкам, тинч бўлса, жамият барқарор бўлади, униб-ўсаётган фарзандлар ҳар томонлама камол топишига имкон яратилади. Миллий урф-одат ва анъаналаримизга кўра, оила — муқаддас даргоҳ.



Ўтган йиллар мобайнида мамлакатимизда оила қонунчилиги тубдан такомиллаштирилди. Давр талабидан келиб чиқиб, ўта муҳим ўзгаришлар киритилди. Аниқроқ айтганда, Оила кодекси, оила билан боғлиқ 50 тага яқин

қонун, Президентимизнинг 20 дан ортиқ фармон, қарор ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг 80 дан ортиқ қарор ва фармойишлари қабул қилинди.

(Давоми 3-бетда) ►

Қонун ижодкорлиги

Давлат бюджети ва ижтимоий соҳалар

бу борадаги мутаносиблик —

инсон манфаатларига хизмат қилади

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси "2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги қонунда белгиланган бюджет параметрлари доирасида, шунингдек, жаҳон иқтисодиётида кечаётган мураккаб жараёнларни инобатга олган ҳолда ва корона-вирус пандемияси туфайли юзга келган глобал инфляция оқиба-тирани бартараф этишга оид қабул қилинган Президент фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ҳамда Инқирозга қарши курашиш комиссиясининг қарорлари ижросини таъминлашга йўналтирилган.

Дунёда кечаётган мураккаб вазият, иқтисодий муносабатлардаги беқарорликларга қарама-қаран, ҳисобот даврида Ўзбекистон иқтисодиётининг барча тармоқ ва соҳаларида ижобий ўсиш тенденциялари кузатилмоқда.

Натижада ўтган йилга нисбатан мамлакат йил ички маҳсулот ҳажми 5,4 фоиз, экспорт ҳажми 40 фоиз, аҳолининг умумий даромадлари 22,5 фоизга осганга гувоҳ бўлиб турибмиз. Бу иқтисодиётимиз барқарор ривожланиётганини кўрсатмоқда.

Ҳисобот даврида Давлат бюджети даромадлари белгиланган режага нисбатан ошириб бажарилгани, аниқланган харажатлар режасига нисбатан 95 фоизни ташкил қилгани мамлакатимизнинг бюджет барқарорлиги сақланиб қолганидан далолат беради. Бунга маълум даражада иқтисодий фаолликнинг ошгани, даромадлар ортаётгани ҳамда легаллаштирилган ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Шу даврда Давлат бюджети умумий харажатларининг 52,4 фоизи ижтимоий соҳаларни ривожлантиришга йўналтирилгани "Инсон қадри" улуғлаш ва фаол маҳалла йили" дастурини амалга оширишга имкон яратди.

Иқтисодиётда барқарор ўсиш суръатлари ҳамда Давлат бюджети барқарорлигига эришилганлиги натижа-сида ижтимоий харажатлар ўз вақтида молиялаштирилмоқда. Ҳисобот даврида ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида бюджетдан ҳамда бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобига молиялаштиришда узиллишлар кузатилмаган.

Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари ва масъул кўмита йиғилишида амалга оширилган ижобий ишлар билан бирга, айрим хато ва камчиликларга ҳам йўл қўйилгани айтиб ўтилди. Айрим вазирлик ва идоралар томонидан ривожлантириш дастурлари учун харажатлар ва капитал қўйилмалар тўлиқ ўзлаштирилмаётгани депутатларнинг эътирозларига сабаб бўлди.

Бундай ҳолатлар Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими вази-рликлари муассасаларида, Ипакчилик ва жун саноати ривожлантириш кўмитаси, Қурилиш вазирлиги, Ўрмон хўжалиги давлат кўмитаси ва бошқа бир қанча ташкилот ва муассасалар фаолиятида кузатилмоқда.

Шу ўринда айтиш жоизки, бундан 5-6 йил аввал бюджетдан маблағ ажратишда муаммолар юзга келар эди. Бугунги муҳокамалардан кўриш мумкинки, айна пайтада бюджетдан молиялашти-

риш борасида жиддий муаммолар бартараф этилган бир ҳолатда, маблағни ўз вақтида ўзлаштиришда қийинчиликлар кузатилмоқда. Шу маънода, ялпи маж-лисда Молия вазирлиги, бошқа тегишли вазирлик ва идораларнинг эътибори куйидаги масалаларга қаратилди.

Биринчидан, давлат дастурларида бюджет маблағлари ҳамда бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилиши кўзда тутилган ижтимоий соҳа объектларини ўз вақтида тайёр ҳолга келтириш, бюджет харажатларининг мақсадли индикаторларининг ижросини таъминлаш, "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари-га оид лойиҳаларни амалга оширишга ажратилган маблағлардан мақсадли ҳамда оқилона фойдаланилиши устидан таъсирчан назорат тизимини такомиллаштириш тақлиф этилди.

Иккинчидан, Молия вази-рлиги Давлат бюджетидан кўзда тутилган харажатларни ўз вақтида қатъий ра-вишда тасдиқланган меъё-рлар доирасида йил якунига-ча бўлган давр учун амалга оширилишини таъминлаш, ортқича бюджет маблағла-рига йўл қўймаслиги, самарасиз ва паст самарали харажатларни мақбуллашти-ришга оид чораларни биринчи даражада бюджет маблағларини тақсимловчи-лар билан биргаликда кўри-ши мақсадга мувофиқ деб топилди.

Учинчидан, маҳаллий бюджетлар ихтиёрида қол-дирилган маблағларнинг мақсадли ва самарали сарфланиши устидан амал-даги қонунчилик талаблари-га кўра назоратни таъмин-лаш билан боғлиқ чоралар кўрилиши қайд этилди. Бу борада бюджетдан маблағ олувчилар томонидан бю-джет интизомини бузиш, пул ва товар моддий бойликлар камомати ҳамда асоссиз харажатларни амалга ошириш ҳолатларининг келиб чиқиш сабабларини чуқур таҳлил қилган ҳолда, қонунбузилиш-ларининг олдини олишга қаратилган таъсирчан назорат механизмининг ўрнатили-шиларини ташкил этиш ло-зимлиги таъкидланди.

Муҳокама якунида иқтисо-диёт соҳаларининг барқарор ишлаши, макроиқтисодий ўсиш ва нархлар, айниқса, озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари барқарорлигини таъминлаш орқали аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган тизимли чора-ларни давом эттириш бора-сида аниқ тақлиф ва тавсия-лар берилди. Бундан ташқари давлат бюджети ва давлат мақсад-ли жамғармаларидан йўнал-тирилаётган маблағларнинг натижадорлигини таъмин-лаш борасида Қонунчилик палатасининг масъул кўми-талари тегишли вазирлик ва идоралар бўйича мақсад-ли индикаторларга оид маълумотларни янада чуқурроқ таҳлил қилиб бориши мам-лакатимизни ижтимоий-иқ-тисодий тараққий эттириш борасида Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жам-ғармалар маблағларидан янада самарали фойдала-нишга хизмат қилиши эъти-роф этилди.

Шарофиддин НАЗАРОВ,
Олий Мақддс Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар кўмитаси раиси

ЎЗБЕКИСТОНДА ЖАҲОН ПАРЛАМЕНТЛАРИ АЁЛ РАҲБАРЛАРИНИНГ 14-САММИТИ БЎЛИБ ЎТМОҚДА

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Анжуманда пандемия оқи-батида юзга келган жиддий ижтимоий ва иқтисодий ин-кирозларни, хусусан, янги хавф-хатарларни бартараф этиш бўйича конструктив та-клифлар ишлаб чиқиш, улар-ни биргаликда амалга оши-риш бўйича таъсирчан чора-тадбирларни белгилаб олиш мақсад қилинган.

— Барқарор ривожланиш мақсадларининг самарали амалга оширилишини таъ-минлашда парламент алоҳи-да ўрин тутиши зарур. Шу нуқтаи назардан жорий йил 21 июнда БМТ Бош Ассамб-леяси томонидан янгидан қабул қилинган "БМТ, парла-

ментлар ва Парламентларо иттифокнинг ўзаро ҳамкорли-ги тўғрисида"ги резолюция-сини қўллаб-қувватлаймиш, — деди Сенат раиси Т.Норбо-ева. — БМТ ва Парламентла-раро иттифок ўртасидаги ўзаро яқин ҳамкорликни да-вом эттириш, жумладан, Бар-қарор ривожланиш мақсадла-рининг уч тамойили, яъни иқтисодий, ижтимоий ва эко-логик масалалар бўйича ре-зюлюциясида келтирилган тавсияларни амалга оши-ришда камарбаста бўламиз. Ушбу ҳужжатлар давлат та-раққиётининг барча масала-лари ва глобал муаммолари-ни ҳал қилишда гендер тенг-лигига эришиш ва аёллар

етақчилигини таъминлашда устувор аҳамият касб этади.

Парламентларо Иттифоқ раиси Дуарте Пачеко Тош-кед саммити юқори дара-жада ташкил этилгани учун миннатдорлик билдириб, кўрилатган масалалар, улардан келиб чиқадиган худ-досалар хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфа-атларини янада самаралироқ таъминлашга хизмат қилишини айтиб ўтди.

Анжуман иши "Пандемия-дан кейин глобал тикланишга тўққунлик қиладиган хавфлар-ни бартараф этиш" ҳамда "Технологиялар билан боғлиқ хавфларнинг олдини олиш ва технологиялар оламида инсон

ҳуқуқлари ва гендер тенглик-ни ҳимоя қилиш" мавзулари-даги иккита сессия доираси-да ташкил этилди.

Биринчи сессияда ишти-рокчилар тенглик, инклюзив-лик ва атроф-муҳит муҳофа-засига асосланган барқарор ривожланиш нуқтаи назари-дан иқтисодиётни тиклаш, қизлар ва аёлларнинг, шу жумладан, репродуктив сало-матлик соҳасидаги заифли-гини камайтириш бўйича за-рур чора-тадбирлар ҳамда COVID-19 пандемиясидан кей-ин иқтисодиётни тиклаш бўйича энг яхши амалиётлар-ни муҳокама қилди.

Куннинг иккинчи ярмида давом этган иккинчи сессия-

да COVID-19 пандемияси би-лан боғлиқ ҳолда рақамли иқтисодиёт ва меҳнат соҳаси-да технология инновациялар-ни рағбатлантириш, миллий ва халқаро миқёсда рақамли тафовутни бартараф этиш учун амалга оширилаётган ташаббусларга эътибор қара-тилди. Шунингдек, парла-ментларнинг аёллар ва қиз-ларнинг ҳуқуқ ва эркинликла-рини интернет оламида тар-ғиб қилиш ва ҳимоя қилиш-даги ҳаракатлари каби ма-салалар иштирокчилар эъти-борида бўлди.

Саммит 9 сентябрь куни ўз ишини давом эттирди.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎЗА муҳбири



Муносабат

СУД ТИЗИМИ МУСТАҚИЛЛИГИ — ҚОНУНИЙЛИК ГАРОВИ

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Ҳозир юрtdошларимиз нафақат суд ходимлари, ҳатто суд ҳокимияти-нинг энг юқори идораси ҳисобланув-чи Олий суд судьялари билан ҳам бемалол кўришадиган ва дардини айтса, судьялар эшитадиган давр келди. Бу мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган туб ислохотларнинг натижасидир.

Бундан ташқари судьялар ўзлари-нинг иш юритувида бўлган ишлар юзасидан белгиланган суд процес-сларининг камиди ўттиз фоизини ма-ҳалла, корхона ва ташкилотлар бино-сида кенг жамоатчилик, халқ вакил-ларини жалб этган ҳолда сайёр суд мажлисларида кўриб чиқмоқда.

Масалан, 2021 йилда судларда кўрилган бир миллиондан зиёд иш-дан 300 мингдан ортиги сайёр маж-лисларда халқ орасида муҳокама этилган. Мазкур суд мажлисларининг ҳар бирида камиди эллик нафар ат-рофида фуқаро иштирок этган. Шу-нинг ўзи ҳам мамлакатимизда суд ҳокимияти халққа қанчалик яқинлаш-ётганини кўрсатиб турибди.

Айтиш керакки, мамлакатимизда суд тизими фаолияти қонун устувор-лигини, ижтимоий адолатни, фуқаро-лар тинчлиги ва тотувлигини таъ-минлашга қаратилган. Шу маънода, давлатимиз раҳбарининг "ҳамма учун қонун олдида тенглик ва иж-тимоий адолатни сўзсиз таъмин-лаш керак" деган талаби биринчи-галда 1 минг 400 нафар судья зим-масига улкан масъулият юклайди.

Бу масъулиятни вазибаларнинг ба-жарилишида судья ва суд ходимлари судга мурожаат қилган ёки бирон-бир ҳуқуқбузарлик оқибатида суд залига келтирилган тарафининг қонунда бел-гиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларини Конституция ва қонунларимизда бел-гиланган нормаларга қатъий риоя қил-ган ҳолда ҳимоя қилиши тақозо эти-лади.

Шунингдек, судьялар мунтазам ра-вишда касбий билим ва амалий кўникмаларни ошириб бориши,

қонун тўғри қўлланишининг асосий таъминловчиси бўлиши лозим. Суд ҳуқуқига келишда фақат асосли ва қонуний исботлаш воситаларидан фойдаланиши шарт.

Президентимиз мамлакат ҳаёти-нинг барча жабҳаларида юксак мар-раларга эришиш учун 2026 йилгача мўлжалланган Тараққиёт стратегияси доирасида кейинги ишларимизни 5 та асосий вазифа асосида белгилаб берар экан, мазкур вазибаларнинг иккинчи муҳим йўналиши сифатида суд тизимининг мустақиллигига ало-ҳида эътибор қаратгани бежиз эмас. Зеро, суд тизими мустақил бўлмаса, жамият ривожланиши ҳақида гапи-риш ортиқча.

Суд идорасига иши тушган ҳар бир шахс ушбу даргоҳда қонун ва адолат устувор эканига ишонч ҳосил қилиши зарур. Янги Ўзбекистонда ҳар қандай баҳсли масалага адолатли ечим фа-қат одил суд томонидан топилиши, судьялар ишига ҳар қандай аралашув кескин жазоланиши ва уларнинг ха-риотирсиз ишлаши учун барча зарур шароитлар яратилишини амалда таъ-минлаш даркор.

Албатта, суд ҳокимияти ва судья-лар мустақиллиги бир-бири билан ҳаммаҳалла бўлиши шарт. Шундай бўлса-да, суд ва судья мустақиллигини таъмин-лаш ўртасида маълум бир тушунчалар-нинг фарқланишини ҳам қайд этиш ўринлидир.

Конституцияимизнинг 11-моддасида мамлакатимизда давлат ҳокимияти ти-зимини қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлишини принци-пига асосланган, суд ҳокимияти қонун чиқарувчи, ижро этувчи ҳокимиятлар, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бириктирилган мустақил ҳолда иш юритиши белгиланган.

Суд ҳокимияти чиқарган ҳужжатлар барча давлат органлари, жамоат бир-лашмалари, корхоналар, муассаса-лар, ташкилотлар, мансабдор шахс-лар ва фуқаролар учун мажбурийдир. Бошқача айтганда, суд ҳокимияти-нинг қонун чиқарувчи ва ижро этув-

чи ҳокимият органларидан мустақил-лиги унинг моддий-техник ва ижти-моий таъминланганида кўринади. Бу ўринда суд бинолари мавжудлиги, улар замон талабига жавоб беради-ган мажлис заллари, моддий-техник жиҳозлар, суд мажлисларини ташкил этиш учун техникалар, алоқа восита-лари билан таъминлангани ҳамда хо-димларнинг ишлаши учун зарур ша-роитлар яратилгани ҳақида сўз бор-моқда.

Ҳеч кимга сир эмас, бундан 10 йил аввал судга келган фуқарога ўзи би-лан қозғ олиб келиш, фуқаролик ишини тиқшиш учун папка сотиб олиш сўралган. Суд бинолари кў-риқланмагани сабабли хоҳлаган одам судьянинг хонасида бемалол кириб келаверишини катта ёшдаги суд ходимлари ҳали ҳам эслашади.

2017 йил 23 августдаги "Судлар ва адлия органлари фаолиятини моддий-техник ва молиявий таъ-минлаш тартибини такомиллашти-риш тўғрисида"ги Президент қаро-рига кўра, судлар учун қурилиш ва таъмирлаш ишлари давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилаётган бўлди.

Натижада судья ва суд ходимлари-нинг самарали ишлаши, судларга ташриф буюрадиган фуқароларга қулай шароит яратиш мақсадида за-монавий ва халқаро талабларга жа-воб берадиган бинолар қурилди. Эн-диликда судларнинг янги бинолари-да:

- қўриқлаш ва назоратдан ўтказиш пости ва турникет;
- судга ташриф буюрган фуқаро-ларни қабул қилиш хонаси ва кутиш заллари;
- видеоконференцалоқа тизими орқали суд процессларини "онлайн" тарзда кўриш хонаси;
- адвокат ва прокурор хоналари;
- суд раиси хонаси ва қабулхона;
- судья ва суд ходимларига алоҳи-да хоналар;
- архивариус ва архив хоналари;
- маҳбусларни вақтинчалик сақлаш

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Бундан ташқари С.Исмои-лова 2014 йил ноябрь ойи-дан 2015 йил июль ойига қадар Фарғона вилояти ички ишлар бошқармаси "Хориж-га чиқиш, келиш ва фуқаро-ликни расмийлаштириш" бўлими бошлиғи лавозими-да ишлаган О.Солиевга (шу иш бўйича судданиб, Анди-жон вилояти суди жиноят ишлари бўйича кассация инстанциясининг 2020 йил 27 январдаги ажрими билан оқланган) йиғилишларда тан-лаб бермаслик ва туман пас-порт бўлиминининг ойлук ҳисоботларини қийинчилик-ларсиз топириши эвазига ҳар ойда 200-300 АҚШ дол-ларидан пора бериб келган-лик айби ҳам қўйилган. Қола-верса, бўлимага бошлиғи 2014 йил январь ойидан 2015 йил август ойига қадар ўз хизмат вазибаларини қасд-дан бажармасдан 746 нафар ҳуқуқбузар фуқарога тегиш-ли тартибда маъмурий ба-

ённома расмийлаштириш чо-раларини кўрмагани на-тижасида 74.549.100 сўм жа-рима ундирилмай қолган. Шу боис суд С.Исмоиловни Жи-ноят кодексининг 167-модда-си 2-қисми "а, в, г" бандла-ри, 208-моддаси, 211-модда-си 1-қисми билан айбдор деб топиб, унга 3 йил муд-датга мансабдорлик ва мод-дий жавобгарлик билан боғ-лиқ вазибаларда ҳамда ички ишлар идораларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш, энг кам ойлик иш ҳақининг 100 баравари миқдоридан жари-ма ҳамда иш ҳақининг 20 фо-изини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 3 йил муддатга ахлоқ тузатиш иш-лари жазоси тайинланган. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, С.Исмоилов ўзини айбсиз деб биларди. Буни исботлаш учун етарли далил-лар ҳам бек эди. Биноба-дан, у суд ҳукмидан норози бўлиб, юқори инстанциялар-га мурожаат қилади. Натижа-

да ушбу жиноят иши суд ин-сталляцияларида қайта-қайта кўриб чиқилади. Жумладан, жиноят ишлари бўйича Фар-ғона вилояти суди кассаци-я инстанциясининг 2018 йил 21 июндаги ажрими би-лан суд ҳукми ўзгарисиз қолдирилган бўлса, Фарғона вилояти суди жиноят ишла-ри бўйича апелляция инди-станциясининг 2021 йил 20 сентябрдаги ҳукми билан суд ҳукмининг С.Исмоиловга оид қисми ўзгартирилади. Бироқ судланувчи оқланмай-ди. Шу боис С.Исмоилов яна мурожаат қилишда давом этади. Ниҳоят, Олий суд жи-ноят ишлар бўйича судлов ҳайъатининг 2021 йил 24 де-кабрдаги ажримига муво-фиқ, Фарғона вилояти суди-нинг 2021 йил 20 сентябрда-ги ҳукмининг С.Исмоиловга оид қисми бекор қилиниб, жиноят ишининг шу қисми янгидан апелляция инс-танциясида кўриш учун юбо-рилади.

Инсонпарварлик тамойиллари

АДОЛАТНИНГ

Этироф этиш керакки, ишни янгидан апелляция инстанциясида кўриш жара-ёнида С.Исмоиловнинг айб-лисизлиги ўз тасдиғини то-пди. Хусусан, бўлимага катта инспектори вазибаларда фа-олият юритган Б.Жиянбоев апелляция инстанциясидаги кўрсатмасида дастлабки терговда ўзига нисбатан таъийк ўтказилгани ва шу боис биринчи инстанция су-дида нотўғри кўрсатма бе-ришга мажбур бўлгани, С.Исмоилов ўзига жарима-нинг бир қисмини чипталар-да кўрсатиш ва қолган қис-мини банкка топширмаслик ёки ҳуқуқбузарлик содир эт-ган фуқароларга маъмурий баённомалар расмийлаштир-маслик ҳамда улардан маъ-мурий жарималар ундирмас-

лик ҳолатлари юзасидан топ-шириқ бермагани бил-дирди. Буни "Миллий банк"-нинг Риштон тумани фили-али махсус касса кассири ва-зифасида ишлаган У.Мама-сиддиқов ҳам тасдиқлади.

Шунингдек, ўша пайтада ту-ман ИИБ паспорт бўлима-сида текшириш ўтказган мута-хассис З.Ахмедов кассация инстанцияси судида даст-лабки терговда ва биринчи босқич судидаги кўрсатма-ларини инкор қилиб, 54.133.400 сўм камомад нот-ўғри аниқлангани, бу ҳақида эътироз билдиргани, лекин эътирози қабул қилинма-гани, фуқароларнинг тушун-тириш хатларига асосан ҳуж-жатли текшириш ўтказиш мумкин эмаслиги маълум қилди.



Янги нашр



Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг лингвистик экспертизаси — долзарб вазифа

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Бу соҳада Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2019 йил 21 октябрда "Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, 2020 йил 20 октябрда "Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонлар қабул қилинди.

Шунингдек, "2020-2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш концепцияси" тасдиқланди. Унга асосан 2025 йилга қадар мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётининг барча соҳаларида давлат тили имкониятларидан тўлиқ ва тўғри фойдаланишга эришиш, давлат тилининг соғлигини сақлаш, уни бойитиб бориш ва барча соҳа мутахассисларининг нуқта маданиятини ошириш, давлат тилида соҳавий иш юритиш ҳужжатларининг ягона электрон намуналарини ишлаб чиқиш каби устувор вазифалар белгиланди.

Бу соҳадаги ижро сифатини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 28 октябрдаги қарори билан "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини лингвистик экспертизадан ўтказиш тартиби

тўғрисида"ги Низом тасдиқланди.

"Экспертиза" сўзи латинча "expertus" атамасидан олинган бўлиб, "тажрибали, билимдон" деган маъноларни англатади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат экспертизаси деганда, норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини шу соҳанинг етуқ, профессионал даражадаги мутахассиси, яъни эксперти томонидан халқаро нормалар, фан ва техниканинг илгор ютуқларидан келиб чиққан ҳолда ўрганилиши, таҳлил қилиниши, лойиҳа бўйича хулоса, тақлиф ва тавсиялар берилиши тушунилади.

Шу нуқтаи назардан 2022 йилда Адлия вазирлиги қoшидаги Юристар малакасини ошириш маркази томонидан нашр этилган профессор Шухрат Кўчимовнинг "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини лингвистик экспертизадан ўтказиш" номли қўлланмаси муҳим аҳамият касб этади. Аввало, методик қўлланмада "юридик тил" атамасининг маъносига содда ва раво тилда таъриф берилгани эътиборлидир.

Ш.Кўчимов қайд этганидек, "юридик тил" деганда — ҳуқуқшуноснинг ўз фикрини ва ҳуқуқий нормаларни ифодалашда тил бирликлари мажмуи: товуш, қўшимча, сўз, атама, сўз бирикмаси ва гаплардан қандай фойдаланиши ту-

шунилади.

Ушбу методик қўлланманинг қуйидаги ижобий хусусиятларини кўрсатиш мумкин.

Биринчи хусусияти: ҳозирда Олий Мажлисда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишдан аввал уни ҳар томонлама экспертизадан ўтказиш институти жорий этилди. Бунда қонун лойиҳаси ҳуқуқий, халқаро, коррупцияга қарши, сиёсий, иқтисодий, молиявий, лингвистик йўналишларда экспертизадан ўтказилмоқда.

Дарҳақиқат, норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқишда экспертиза муҳим ўрин тутди. Зеро, айнан экспертиза ҳар қандай ҳуқуқий ҳужжатнинг ҳар томонлама мукамал бўлишини таъминлайди.

Иккинчи хусусияти: мазкур соҳани янада ривожлантириш учун сўнгги йилларда мамлакатимизда 20 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниб, ушбу ҳужжатлар ижросини таъминлаш механизми такомиллашди. Хусусан, ўзбек тилини давлат тили сифатида янада ривожлантириш учун том маънода янги тузилма — Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги **Маънавият ва давлат тилини ривожлантириш департаменти** ва унинг жойлардаги **давлат тили бўйича маслаҳатчилари** тизими жорий этилди.

Учинчи хусусияти: норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси-

ни лингвистик экспертизадан ўтказишга қўйиладиган юрислингвистик талаблар, жумладан, юридик тил, грамматик норма ва юридик терминология қоидаларига қатъий риоя қилиш масалаларида муҳим манба ҳисобланади. Бундай экспертиза норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлашда юридик техника қоидаларига асосланган ҳолда уни сифатли ишлаб чиқиш, юридик тил талабларидан келиб чиққан ҳолда мукамал даражада тузиш, тайёрлаш ва белгиланган тартибда расмийлаштириши тўғри бажаришда ёрдам беради.

Тўртинчи хусусияти: норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрловчи ва уни лингвистик экспертизадан ўтказувчи мутахассислар, давлат тилида иш юритиш бўйича масъул ходимларнинг лингвистик экспертиза бўйича билим, малака ва амалий кўникмаларини янада оширишга хизмат қилади.

Бинобарин, **лингвистик экспертиза ўзига хос билим ва фанлар мажмуи бўлиб, дунё илмий техник тараққиётида ушбу соҳа махсус ён даражасига кўтарилган.** Шу боис дунёнинг илгор олий ўқув юртларида айни соҳа бўйича махсус мутахассислар тайёрланмоқда.

Бешинчи хусусияти: Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 28 октябрдаги "Норма-

тив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини лингвистик экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарорига асосан 2023 йил 1 январдан бошлаб лойиҳани ишлаб чиқувчининг ташаббуси билан ёхуд топшириққа кўра, вазирлик, идоралар билан келишилдан олдин лойиҳа матни давлат тили қоида ва талабларига мувофиқлигини текшириш мақсадида лингвистик экспертизадан ўтказилишида методик қўлланма ҳисобланади.

Бир сўз билан айтганда, Янги Ўзбекистонда қонун лойиҳаларининг тил ва услуб жиҳатдан янада мукамал бўлиши, унинг лингвистик экспертизасида қонун ижодкорлиги, суд лингвистикаси экспертизаси, лингвокриминалистик экспертиза соҳаларини том маънода ривожлантириш учун ҳуқуқ ва тил интеграцияси, яъни юрислингвистикага асосланган иختисослашган кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш долзарб вазифадир.

Шу нуқтаи назардан, ушбу методик қўлланма бугунги кунда норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини тайёрловчи ва уни лингвистик экспертизадан ўтказувчи мутахассислар, давлат тилида иш юритиш бўйича масъул ходимларга муҳим кўмакчи вазифасини ўтайди. **Акмал САИДОВ,** академик

Нуқтаи назар

Оилага оид низолар: таҳлил ва тақлиф



◀ (Бошланиши 1-бетда)

Оилавий муносабатларда аёл ва эркекнинг тенг ҳуқуқчилиги белгилаб қўйилган. Лекин кундалик турмушда вазият қандай? Оилавий муносабатларнинг барчаси ҳам қонунларга мувофиқ тартибга солинмоқдами? Эки никоҳ муносабатларига киришилган биринчи кундан бир тарафнинг зўравонлиги ошкор бўлиб қолмоқдами?

Шу ўринда "оиладаги зўравонлик" атамаси биринчи марта Жек Эшлининг 1973 йилда Буюк Британия парламентида қилган мурожаатида аёлларга нисбатан оиладаги камситишнинг энг оғир тури сифатида қўллаш тақлиф қилингани таъкидлаш лозим.

Бугунги кунда шахс ҳаёти ва соғлиғига қарши жиноятларнинг 40 фоизи, ҳар тўртта қотилликнинг биттаси, қасддан баданга шикаст етказишларнинг ҳар бештадан биттаси, ҳақорат қилиш ва тўхматнинг саккиздан биттаси айнан оилада содир этилаётгани ўта афсусланарли ҳолатдир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг "Оилаларда но-соғлом муносабатлар, қайнона-келин, эр-хотин ўртасидаги жанжаллар, хотин-қизларимиз орасида ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари борлиги шахсан мени қаттиқ изтиробга солмоқда" деган фикрлари айни мавзунинг қанчалик долзарблигини яққол кўрсатиб турибди.

Оилавий ажримларда кўпинча турмушнинг "мушт"ига чидамаганидан фарзандларини тирик етим қилган аёллар айбланади. Аксарият ҳолатларда ажрашган аёллар ижтимоий дискриминация — камситишларга учрайди.

Шу нуқтаи назардан, дунёда бoшқа мамлакатлар каби Ўзбекистонда ҳам 2019 йилда қабул қилинган **"Хотин-қизларни таъзияк ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида"**ги қонунга мувофиқ таъзияк ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларга давлат ҳимоясини тақдим этувчи ҳимоя ордери жорий этилган.

Ҳимоя ордери оилада эридан жабрланган, учинчи шахсларнинг зулмига дуч келган аёлларга, ота-онаси ёки бошқа шахсларнинг зулмига дуч келган воқеа ётмаган қизларга, кўни-қўшнилари ўртасидаги келишмовчиликларда жабр кўрган, кўча, иш, ўқишда таъзияк ёки шилқимликка дуч келган, ҳуқуқбузарлик ёки жиноят қурбони бўлган хотин-қизларга берилади.

Ҳимоя ордери берилганда таъзияк ёки зўравонлик қилган шахсга нисбатан 30 кун чеклов ўрнатилади. Муддат тугаганда ҳавф ҳали бартафат этилмаган бўлса, ҳимоя ордерининг амал қилиш муддати жабрланувчининг ўртасига кўра, кўпи билан ўттиз кунгача узайтирилади.

Ҳимоя ордерини бериш учун асос мурожаат ёки хабар оғзаки ёки ёзма равишда бўлиши мумкин. 2021 йилда мамлакатимизда таъзияк ва зўравонликдан жабр кўрган 40 мингга яқин хотин-қизга ҳимоя ордери берилган. Бу зўравонликларнинг 87 фоизи оилада содир этилган.

Шу ўринда хорижий мамлакатлар таъзиякка эътибор қаратсақ, дунёнинг тараққий этган давлатларида ажрим ҳақида қарор чиқаришда судлар томонидан болалар ва онанинг моддий аҳоли қафолатланганини таъкидлаш жоиз.

Масалан, **Испанияда** никоҳдан ажрашган эркек собиқ уй бекаси бўлган хотинига уй ишларини бажаргани учун компенсация, хотини ҳамда болалари учун алимент тўлашга мажбур.

Германияда ажрашаётган оилада болалар бўлса, суд аввало уларнинг манфаатларини ҳисобга олади. Бола 25 ёшга тўлгунча алимент олиб туради. Шунингдек, нафақат мол-мулк, балки пенсия жамгармалари ҳам иккига бўлинади. Бола тарбияси ва уй ишлари билан машғул бўлгани учун пенсияга жамғарма яратмаган оналарнинг манфаатлари ҳимоя қилинади.

Италияда оилавий зўравонликка учраган шахсларнинг иқтисодий ноқорлиги инобатга олинади. Улар танлаган адвокатнинг фуқаролик ва маъмурий судларда иштироки ва ҳимоя харажатлари давлат томонидан қопланади.

Швецияда полиция оилада содир этилган зўравонлик ва ҳавф даражасини баҳолайди. Баҳолаш натижасига кўра, жабрланувчи ҳимоясини тақдим қилинади. Жабрланувчи тегишли мобил алоқаси ва акустик сигнализация билан таъминланади.

Францияда оилавий ишлар бўйича судья томонидан оилада зўравонлик содир этилган деб топилса, "Ҳимоя тўғрисида"ги қарор билан эрининг аёли билан муносабатига чек қўйилади. Оиладаги болалар васийлиги, уй-жой билан таъминлаш, отага юкланадиган молиявий мажбуриятлар тўғрисида буйруқ чиқарилади.

Франция қонунчилигига кўра, оила азозларига нисбатан содир этилган зўравонлик жавобгарлигини оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланади. Зўравонлик тўғрисидаги хотин ўлдирилган тақдирда, эр умрбод қамоқ жазоси ёки ахлоқ тузатиш муассасида 30 йил озодликдан маҳрум этиш жазосини ўташга ҳукм қилинади.

АҚШ жиноят қонунчилигининг 110-бўлими зўравонлик учун жазо чораларини ўз ичига олади. Шунингдек, оила азозларини зўравонликдан ҳимоя қилувчи "Protecting Order" қонунига мувофиқ жабрланувчи ҳавфсизлиги чоралари кўрилади.

Ушбу йўналишдаги таҳлиллар ва хорижий давлатлар таърибасидан келиб чиқиб, қуйидаги тақлифларни илгари сурши мақсадга мувофиқ:

биринчидан, хотин-қизларга нисбатан таъзияк ва зўравонлик ҳолатларига олиб келадиган сабаб ҳамда шарт-шароитларни аниқлаш ва бартафат этиш бўйича тадбирлар самарадорлигини ҳудудлар кесимида баҳолаш тизимини жорий этиш;

иккинчидан, оилавий зўравонлик учун жазо чораларини кучайтириш;

учинчидан, никоҳланувчилар ўртасида тузиладиган никоҳ шартномасига оилавий муносабатларда томонларнинг тенг ҳуқуқчилиги, зўравонликнинг ҳар қандай қўрилишига йўл қўйилмаслик, фарзандлар таъминотига масъуллик, ажрим юз берганда она ва болани тураржой билан таъминлаш мажбуриятига оид бандларни киритиш;

тўртинчидан, алимент миқдори боланинг ҳаёт кечириши, таълим олиши учун етарли миқдорда белгиланиши зарур.

Дилдора АНВАРОВА, Тошкент давлат юридик университети ўқитувчиси

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Шундан сўнг фермер ҳўжалиги раҳбари туман электр таъминоти корхонасини вақтинча бошқараётган Р.Юнусовнинг ҳузурига ёрдам сўраб боради. Аммо бошлиқ фермер ҳўжалигини электр таъминоти тармоғидан ажратиш ёки улаш, юқори кучланишли қувватлардан фойдаланиш, шу мақсадда масус трансформатор ускунасини жиҳозлаш ва ўрнатишга рухсатнома бериш ўзи раҳбарлик қилаётган корхона томонидан эмас, балки "Ўзэнергоинспекция"нинг Хоразм вилояти бўлими ва "Худудий электр тармоқлари" акциядорлик жамияти вилоят бўлимида Давлат хизматлари маркази орқали амалга оширилишини тушунтириб, бу борада ёрдам кўрсатишга тайёр эканини билдиради. Тарафлар ўзаро келишган ҳолда ишга киришилади. Шу орада ҳўжалик тармоққа қайта уланади. Трансформатор ускунаси ўрнатилади. Бирок фермер ҳўжалиги раҳбари белгиланган мазмундаги рухсатнома учун Давлат хизматлари марказига ариза берган ва электр таъминоти корхонаси билан хизмат кўрсатиш юзасидан тегишли тарзда шартнома тузган бўлса-да, унда кўрсатилган тўловни тў-

Қилмиш-қидирмиш

ҒАВҒОСИ ЧИҚҚАН «ЁРДАМ»

лашга шошилмайди. Аниқроғи, шартномада кўрсатилган миқдордаги пулнинг 3 миллион 128 минг сўминигина тўлайди, холос. Ўтган йилнинг кузида фермер ҳўжалигида "Ўзэнергоинспекция" вакиллари ўрганиш ўтказишади. Ўрганиш натижасида фермер ҳўжалиги электр энергияси таъминотидан узилади. Аниқланган камчиликлар юзасидан далолатнома тузилиб, айбдорга нисбатан тегишли тарзда чора қўллаш бўйича тақдимнома киритилади. Устига-устак, фермер ҳўжалиги раҳбарининг хавфсизлик қоидаларига риоя этиш соҳасидаги билими қонқарсиз деб баҳоланади. Шунда яна иложсиз қолган фермер ҳўжалиги раҳбари Р.Юнусовдан ёрдам сўрайди. Бошлиқ аввалига унинг илтимосини кескин рад этади, сўнгра мушук беронга офтобга чикмаслигини писанда қилади. У тизим ходимларининг касб байрами яқинлашаётгани бахонасида фермер ҳўжалиги раҳбаридан 200 АҚШ доллари миқдоридан пора талаб

қилади. Бирок бунага рози бўлмаган Х.Орипов ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идорага мурожаат этади. Натижада Р.Юнусов пора олаётган пайтда қўлга олинади. Тергов органи унинг жиний ҳаракатини Жиноят кодексининг 210-моддаси 2-қисми "в" банди бўйича малакалайди.

Айтиш керакки, суд муҳокамаси чоғида Р.Юнусовга тегишли жиноят иши синчиклаб ўрганиб чиқилди. Олий суд Пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги **"Порахўрилик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида"**ги қароридан белгиланган раҳбарий тушунтиришлар ва бошқа қонун талаблари эътиборга олинди. Бунинг натижасида Жиноят кодексининг 210-моддасида ифодаланган ҳолат билан истеъмоли Х.Ориповнинг манфаатлари бўйича Р.Юнусов томонидан содир этилган жиний ҳаракат ўртасида ўзаро боғлиқлик мавжуд эмаслиги аён бўлди. Бинобарин, туман электр таъминоти корхонаси раҳбари истеъмоличи тараф дуч келган муаммо-

ларини бартафат этиш ваколатига эга бўлмаган. Шу боис суд Р.Юнусовнинг қилмишини қайта малакалаб, Жиноят кодексининг 25, 168-моддаси 3-қисми "в" банди ва 28, 211-моддаси 1-қисми бўйича айбдор, деб топди. Судланувчига нисбатан 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, коррупция жинояти аксарият ҳолларда оддий кишилар тарафидан эмас, балки мансабдор шахслар томонидан содир этилади. Аммо унга қарши курашиш учун кенг жамоатчиликнинг ёрдами керак. Жамиятнинг ҳар бир аъзосида коррупция қарши мурокасизлик муносабати намойён бўлсагина, бу иллатга чек қўйиш мумкин. Шу маънода баён этилган воқеа тафсилотидан ҳам барча бирдек хулоса чиқариши зарур.

Дилдора ПЎЛТАОВА, жиноят ишлари бўйича Урганч шаҳар суди судьяси

МАШАҚҚАТЛИ ЙЎЛИ

ёхуд олти йилдан кейинги оқлов



Дастлабки тергов даврида сўроқ қилинган гувоҳлар Р.Жўраев, Ж.Мустафоқовлов, Ж.Раҳимов, С.Раҳимов, О.Раҳмонқулов, А.Ҳамдамова, Д.Содиқова, Т.Отажонов,

Б.Дадажонов ва У.Ўринбоев паспорт олиш учун турли миқдорда пул тўлаганини маълум қилган бўлишса-да, пулларни айнан С.Исмоиловга бермаганини таъкидлашди.

Бундан ташқари Риштон тумани молия бўлими ва Давлат солиқ инспекцияси томонидан маъмурий жаримага тортилган фуқаролардан тушунтириш хати олиниб, улар Жиноят кодексининг 238 ва 240-моддалари асосан жавобгарликка тортилиши тўғрисида огоҳлантирилган бўлса-да, тўланган пулларга оид чипталар ва ишга алоқадор бошқа молиявий ҳужжатлар ашёвий далил тарихасида жиноят иши ҳужжатларига қўшилмаган. Кейинчалик ушбу тушунтириш хатларини берган фуқаролар сўроқ қилиниб, уларнинг сўроқ баённомаларидаги кўрсатмаларининг ишга алоқадорлиги ва мақбуллиги таниб олиш учун кўрсатиш, юзлаштириш, кўрсатмаларини ҳодиса жойида текшириш ва

бошқа процессуал ҳаракатлар билан тасдиқланмаган. Қолаверса, С.Исмоиловнинг 453 нафар фуқародан ундирилган 54.133.400 сўм маъмурий жаримани банкка кирим қилмаганини тасдиқловчи ишга алоқадор, ишончли ва мақбул далиллар жиноят ишида мавжуд эмас. Апелляция инстанцияси судида ҳам бундай далиллар аниқланмади.

Бундан ташқари Фаргона вилояти ички ишлар бошқармаси "Хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш" бўлими бошлиғи лавозимидан ишлаган О.Солиев иш фаолияти давомида С.Исмоиловга таъзияк ўтказиш мағани, ундан пора тариқасида пул олмагани, текшириш ноқонуний ўтказилганини билдирди. Бундан катта инсоннинг сўроқ баённомаларидаги кўрсатмаларининг ишга алоқадорлиги ва мақбуллиги таниб олиш учун кўрсатиш, юзлаштириш, кўрсатмаларини ҳодиса жойида текшириш ва

нинг С.Исмоиловга оид қисмини бекор қилган ҳолда уни айбсиз деб топиб, оқлади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, судлар томонидан оқлов ҳукми ва ажримларининг чиқарилаётганини мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида кечаётган кенг қўламли ислохотлар самараси сифатида эътироф этиш жоиз. Чунки ҳар бир оқлов ортида бир инсон тақдири, унинг шаъни, кадр-қиммати, оила-армаси, маҳалла-қуй, қариндош-уруғ, элу юрт олдидаги обрў-эътибори мужассас. Бош қомусимизнинг 13-моддасида таъкидланганидек, **мамлакатимизда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Оқлов эса, ана шу қадриятларга содиқликнинг амалдаги ифодасидир.**

Тўлқинжон ТЎРАҚУЛОВ, Фаргона вилояти суди судьяси

"Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари" журналининг давлатимиз мустақиллигининг 31 йиллигига бағишланган учинчи сони ушбу гоёга асосланган.



Мутолаа

«Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз»

Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси, Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазири вазири фахри вазири Т.Худойбергандовнинг мақоласида кейинги йилларда мамлакатимизда маҳалла томи маънода ислохотлар марказидан ўрин олгани, фуқаролар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлашга йўналтирилган халқпарвар сиёсат изчил амалга ошириладигани ўз ифодасини толган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича Вакил Д.Қосимов, юридик фанлар доктори, профессор Ж.Тошқулов, Адлия вазирилик маъсул ходими З.Фармонов ва бошқаларнинг илмий мақолаларида мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг халқро ҳамжамиятдан муносиб ўрин олгани, мамлакатимизда янги ҳимоя сиёсий, иж-

тимоий-иқтисодий, илмий-маърифий ва маданий муҳит шаклланиб бари соҳаларида элни азиз, инсонни азиз қилишга йўналтирилган кенг қўламли чўқур ислохотлар изчил амалга ошириладигани таҳлил этилган.

Журналда Конституцияимизни давр талаби асосида ислох қилиш жараёнига кенг ўрин берилган. Конституциявий комиссия раиси, академик А.Саидов, Парламентларо иттифоқ Бош котиби М.Чунгонг, Халқаро меҳнат ташкилоти Бош директори Х.Коллер, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари Бошқармасининг бўлим бошлиғи Ж.Магаззени ва бошқалар Асосий Қонунимизнинг такомиллаштирилиши биринчи навбатда Янги Ўзбекистонни ижтимоий ва ҳуқуқий давлатга айлантириш, халқимиз фаровонлигини ошириш, ҳар бир фуқаронинг шахсий ҳаёти дахлсизлиги кафолатлишига хизмат қилишини таъкидлашган.

Бобомурод РАЙИМОВ

Тарих тилсимлари



ёхуд Нажмиддин Кубро жасорати

Шарқ халқларининг етук файласуфи, шоир, "Кубровия" тариқати асосчиси бўлган буюк бобокалонимиз шайх Нажмиддин Кубронинг ҳаёти ва фаолияти, айниқса, унинг Ватан озодлиги йўлидаги жасорати асрлар ўтса-да, инсонларни мардикка, ватанпарварликка даъват этиб келмоқда.

1221 йилда мўғул қўшинлари Хоразмшоҳлар давлати пойтахти бўлган Урганч (ҳозирги кўҳна Урганч) қалъасини қамал қилади. Душман бу ерда қаттиқ қаршиликка учрайди. Унга оламга машҳур аллома шайх Нажмиддин Кубро бошчилик қилади. Шунда мўғуллар шайхнинг оиласи билан қалъадан чиқиш кетишига рухсат беришади. Аммо шайх **"Мен яққа эмасман, менинг қариндош ва хизматкорларим ҳам бор"**, дея таклифни рад этади. Душман шайхга минг нафар кишини олиб кетишга рози бўлади. Шайх уларга **"Яхшиликда мен бу халқнинг барчаси билан ошно ва дўст-ёр эдим. Энди ёмон кунда нега уларни ташлаб кетишим керак?!"** — дея жавоб беради.

Кучлар нисбати тенг бўлмагани учун қаттол жанглардан сўнг қалъани душман эгаллайди. Ривоят қилишларича, шайх Нажмиддин Кубро мамлакат байроғини қўлида маҳкам чангаллаган ҳалок бўлган. Мўғуллар қанчалик уринишмасин, шахд бўлган жасоратли шайхнинг қўлидан байроқни тортиб олишолмади.

Шайх Нажмиддин Кубронинг бу жасорати тез орада бутун дунёга маълум бўлади ва у ҳақда кўплаб асарлар

ёзилган. Ҳазрат Алишер Навоий, мавлоно Жалолиддин Румий ҳам бу ҳодисага бағишлаб асар битишгани бунинг исботидир.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, Муҳаммад Собир хожа ибн Нурмуҳаммад хожа қаламига мансуб бўлган "Тарихи Шайх Кубро" асарида Нажмиддин Кубронинг мўғул бошқинчиларига қарши жангда ҳалок бўлгани билан боғлиқ биров бошқачароқ тафсилотлар баён этилган.

Унда айтилишича, Чингизхоннинг ўғилларидан бири Хулоғхон ўзининг ўғли билан лашкарига бош бўлиб, Урганч қалъасини қуршаб олган. Қалъадагилар душман билан мардонавор жанг қилиб, қалъага киришга имкон беришмаган. Бир кун тунда Хулоғхон қалъани олиш учун сўнги жангга киришига қасд қилган. Аммо эртаси кун қуршода турган қалъа мўғул қўшинларининг кўз ўнгида бутунлай гойиб бўлиб, ўрнида дашту биёбон турган, холос.

Хулоғхон маслаҳатчилари бу мўъжизани шайх Нажмиддин Кубронинг каромати, деб тушуниришган ва у соғ-саломат қалъани тарк этса, мудоаачилар тақдир бўлишини айтишган. Мўғул лашкарбошиси бун-

га рози бўлган ва шайхга қалъани яқинлари билан тарк этишни таклиф қилган. Аммо шайх **"Мен ҳаётимнинг энг яхши дамларини мана шу муқаддас тупроқда, азиз ва мўътабар она юртимда ўтказдим. Халқ учун энг оғир пайтда она тупроқни ташлаб кетиш ўта пасткашлиқдир!"** — деб жавоб қилган ҳамда қалъада курашни давом эттирган.

Шунда мўғуллар ҳийла ишлаб, гўё ўзларини чекинаётгандай кўрсатишган. Қалъа дарвозалари биров очилганда улар қайтиб келиб, шаҳарга мўр-малаҳдай ёпирилиб киришган. Кексайган шайх Нажмиддин Кубро душманга мардонавор қаршилик кўрсатган. Аммо Хулоғхоннинг ўғли қилич билан унинг бошини танасидан жудо қилган. Шайх қотилининг пешонасидаги узун қоқилини маҳкам ушлаганича жон таслим қилган. Кейинчалик шайхнинг қўлидан қоқилини ҳар қанча уринишса ҳам ҳам тортиб олишолмаган. Шунда Хулоғхонга **"Фарзандингиз имон келтирсанга унинг сочини шайх чангалдан олиш мумкин"**, дейишган. Ёш хонзода имон келтирган ва шундан кейингина шайх уни қўйиб юборган...

Бу маълумотнинг қанчалик ҳақиқатга тўғри келиши номаълум бўлса-да, бироқ буюк ватандошимиз шайх Нажмиддин Кубронинг ватанпарварлигини ва мислсиз жасоратини абдийдир.

Рустам ЖАББОРОВ,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори

Ғизқарли фактлар

Ҳаётда матонатли инсонларнинг ақл бовар қилмас синовлардан ҳам омон қолганига мисоллар бисёр. Лекин уларнинг ичига АҚШлик Стивен Каллаҳэн алоҳида ажралиб туради. Чунки у 1981 йилда Атлантика уммонига 76 кун ёлғиз қолиб кетиб, ҳаёт учун курашган ва волиб бўлган. Қўйида шу ҳақида ҳикоя қиламиз.

76 кун ёлғиз уммонда



ёхуд матонатли муҳандис қандай тирик қолган?

Ёшлигидан кемасозликка жуда қизиққан Стивен ўрта мактабни битиргач, ҳарбий-денгиз муҳандислиги бўйича таҳсил олади.

1982 йилда бир кишилик қайиқда Атлантика уммонини сузиб ўтиш бўйича мусобақа ташкил этилади ва унда 29 ёшли Стивен ҳам иштирок этади. 1981 йил кунда у ўзининг 6,5 метр узунликдаги қайиқда Буюк Британияга қарашли Пензас шаҳридан сувга тушади. У ердан Испаниянинг Лакоруня шаҳрига боради ва шу ерда қайиғи бузилади. Стивен бир неча кун давомида қайиқни тузатади ва пойгадаги иштирокини давом эттиради. 1982 йил 29 январь кун Канар ороллари таркибига кирувчи Мари Галант ороли яқинига бориб қолади. Бу пайтда у ҳолсизликдан ҳушини йўқотиб, қайиқда ҳаракатсиз ҳолда ётарди. 76 кун давомида Стивеннинг қайиғи оқим ёрдамида Атлантика уммони бўйлаб 3300 километр масофани босиб ўтган эди. Эртаси кун Стивеннинг қайиғини маҳаллий балиқчилик пайқаб қолишади.

Шундан сўнг дунёнинг энг машҳур газеталарида у ҳақда мақолалар чоп этилади. Телеканалларда репортаж ва кўрсатувлар намойиш этилади. Шу тариқа у жаҳонга машҳур бўлади.

"Инсон ўйлаганидан ҳам кўра кучлироқ ва чидамлироқдир. Утмишда қийин ҳолатга тушиб қолган одамлар билан суҳбатлашганимда улар қийин вазиятга тушиб қолганидан афсусланмаслигини билдиришди. Мен ҳам асло пушаймон бўлмаганман. Чунки оғир машаққатга дуч келиб ўзимни ва дунёни яхшироқ англадим". Егулик ва сув тугаганда, Стивенга очлик хавф сола бошлади. У найза билан балиқ овлашга уринади.

Тасодифан резина қайиқ ичига кириб қолган кушлар ва учар балиқлар Стивеннинг жонига аро киради. Балиқ ва кушларни тириклайин ейишга мажбур бўлгани уни денгизчиларга юқадиган "цинга" касаллигидан асраб қолади.

Тажрибали ва билимдон Стивен ўзи турган жойдан биров нарида денгиз кемалари қатнайидан йўналиш борлигини, агар ўша ерга етоласа, албатта, наҳот топиши мумкинлигини яхши билар эди. Аммо эшқаксиз, фақат қўл билан у ерга чақи олишнинг имкони йўқ эди. Бунинг устига Стивен очнаҳор бўлгани учун унда куч-қувват қолмаганди.

Стивенга очликдан ташқари сувсизлик ҳам азоб бера бошлади. У сув ишлаб чиқарувчи қурилма ёрдамида ҳар қун ярим литрдан озроқ сув олар, бироқ бу унинг чанқоғини босмасди.

Стивен ишлатган сув қурилмаси жуда содда ишланган бўлиб, унинг тепаси плёнка билан ёпилган ва ости денгиз сувига тегиб турарди. Қуёш нурлари плёнка остидagi денгиз сувини парлантириб, буғ плёнкага бориб ёпишиб, чучук сув томчисига айланарди.

Очиқ уммонда қолиб кетган

нинг 40-кунда Стивен узоқдан катта кеманинг ўтиб кетаётганини кўриб қолади. Ҳарчанд ҳаракат қилмасин, кеманинг Стивенни кўришмайди. Шу тариқа бир неча кун мобайнида унинг яқинидан қарийб ўн тача кема ўтиб кетади. Бироқ уларнинг биронтаси Стивенни пайқамайди.

1982 йил 20 апрел кун очик денгизда қолиб кетганига 76 кун тулгандга ҳолдан тойган Пензас шаҳридан қайиғи Гваделупе ороллари таркибига кирувчи Мари Галант ороли яқинига бориб қолади. Бу пайтда у ҳолсизликдан ҳушини йўқотиб, қайиқда ҳаракатсиз ҳолда ётарди. 76 кун давомида Стивеннинг қайиғи оқим ёрдамида Атлантика уммони бўйлаб 3300 километр масофани босиб ўтган эди. Эртаси кун Стивеннинг қайиғини маҳаллий балиқчилик пайқаб қолишади.

Шундан сўнг дунёнинг энг машҳур газеталарида у ҳақда мақолалар чоп этилади. Телеканалларда репортаж ва кўрсатувлар намойиш этилади. Шу тариқа у жаҳонга машҳур бўлади.

"Инсон ўйлаганидан ҳам кўра кучлироқ ва чидамлироқдир. Утмишда қийин ҳолатга тушиб қолган одамлар билан суҳбатлашганимда улар қийин вазиятга тушиб қолганидан афсусланмаслигини билдиришди. Мен ҳам асло пушаймон бўлмаганман. Чунки оғир машаққатга дуч келиб ўзимни ва дунёни яхшироқ англадим". Егулик ва сув тугаганда, Стивенга очлик хавф сола бошлади. У найза билан балиқ овлашга уринади.

Тасодифан резина қайиқ ичига кириб қолган кушлар ва учар балиқлар Стивеннинг жонига аро киради. Балиқ ва кушларни тириклайин ейишга мажбур бўлгани уни денгизчиларга юқадиган "цинга" касаллигидан асраб қолади.

Тажрибали ва билимдон Стивен ўзи турган жойдан биров нарида денгиз кемалари қатнайидан йўналиш борлигини, агар ўша ерга етоласа, албатта, наҳот топиши мумкинлигини яхши билар эди. Аммо эшқаксиз, фақат қўл билан у ерга чақи олишнинг имкони йўқ эди. Бунинг устига Стивен очнаҳор бўлгани учун унда куч-қувват қолмаганди.

Стивенга очликдан ташқари сувсизлик ҳам азоб бера бошлади. У сув ишлаб чиқарувчи қурилма ёрдамида ҳар қун ярим литрдан озроқ сув олар, бироқ бу унинг чанқоғини босмасди.

Стивен ишлатган сув қурилмаси жуда содда ишланган бўлиб, унинг тепаси плёнка билан ёпилган ва ости денгиз сувига тегиб турарди. Қуёш нурлари плёнка остидagi денгиз сувини парлантириб, буғ плёнкага бориб ёпишиб, чучук сув томчисига айланарди.

Интернет материаллари асосида Хумоно МИРЗО тайёрлади.



Ўтган йил декабрь ойида ижтимоий тармоқларда Галлаорол туманининг чекка ҳудудига муҳожир фожиа юз бергани ҳақида хабар тарқалган эди. Унга эгаси билан ёниб кетган "Спарк" автомобиласининг сурати ҳам илова қилинганди.

Тезкор суриштирув натижасида марҳумнинг Самарқанд шаҳрида яшовчи Холназар Мирзаев (исм-шарифлар ўзгартирилди) экани аниқланди. Шунингдек, бу фожиа бахтсиз ҳодиса эмас, балки жиноий режа асосида содир этилган қотиллик ва бошқача жиноят экани ҳам маълум бўлди.

Холназар уй таъмирловчи қўлигил уста эди. У чет элда бир неча йил ишлаб, Самарқандга қайтган, "Спарк" русумли автомобиласини сотиб олди. Аммо у гиёҳвандлик воситалари савдоси билан шуғулланганидан жомбойлик Ф.Шамсидинов билан танишиб қолади. Дастлаб Холназар ундан ўзи истеъмол қилиш учун оз миқдорда гиёҳванд моддаси сотиб олади. Кейинчалик 2 минг АҚШ долларига тенг гиёҳвандлик моддасини қарзга олади. Орадан кўп ўтмай Фахриддин пулни сўрайди. Аммо Холназар пулни бериш ўрнига Ф.Шамсидиновни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар бериш йўли билан кўрkitишга тушади.

Катта миқдордаги пулдан қуруқ қолаётган аламзада Ф.Шамсидинов ўтиса ҳам, турса ҳам ўзининг жино-

Жиноят ва жазо Қасд ўти

муҳожир жиноятга етаклади

ий қилмишларини яшириш чорасини ахтаради. Шунингдек, у катта миқдордаги маблағдан айрилиб қолаётганини ўйлаб ўзини кўярга жой тополмайди. Ниҳоят, у Холназардан қасд олиш, мол-мулкни бошқинчилик йўли билан қўлга киритиш мақсадида жиноий режа тузади.

Дастлаб у жиноий режасини қишлоқдоши Орзиқул Бердиқуловга маълум қилади ва ундан ёрдам сўрайди. О.Бердиқулов унинг таклифига рози бўлади. Шундан сўнг Ф.Шамсидинов таниши Дилмурод Қурбоновни ҳам жиноий гуруҳга қўшади.

Жиноий гуруҳ тузилган, Ф.Шамсидинов Холназарга 5 миллион сўмга "марихуана" сотмоқчи экани, хоҳласа, пул билан келиб, "товар"ни олиб кетиши мумкинлигини маълум қилади. Аслида бу жиноий гуруҳ томонидан ўйлаб топилган ҳийла эди. Бундан бе-хабар Холназар "товар"ни сотиб олишга рози бўлади.

Жиноят содир этилган кун жиноий гуруҳ аъзолари ошхонада овқатланишди ва спиртли ичимлик ичишди. — Бугун Холназар келади, — дейди Фахриддин шерикларига. — Уни Қораарик қишлоғидаги хилват жойга бошлаб бораман. "Иш" битган, 5 миллион сўмни учаламиз бўлиб оламиз... Шундан сўнг Ф.Шамсидинов Дил-

муродга бензин сотиб олишни буюради. Қиш кунлари қисқа бўлади, бир пасда қоронги тушади. Холназар кечки соат олтиларда Жомбойга келади. Фахриддин унга сотилажак "товар" кўздан панана эканини айтиб, уни жиноий гуруҳ аъзолари пойлаб турган Қораарик қишлоғига бошлаб боради.

Улар қишлоқ чеккасидаги хилват жойга етиб келган, жиноий гуруҳ аъзолари қўлидаги болта билан Холназарга ташланишади. Холназар жон ҳолатда қочиб кетган. Аммо Ф.Шамсидинов билан О.Бердиқулов унга етиб олиб, ерга йикитишади. Шундан сўнг қотиллар болта билан Холназарга оғир тан жароҳати етказишади.

Фахриддин ҳушсиз ётган Холназарнинг чўнтагидан 5 миллион сўмни олиб, ўзаро тақсимлайди. Кейин қонга бўялган Холназарнинг жасадини "Спарк"нинг орқа ўриндиғига жойлаштиришади. Дилмурод елим идишдаги бензинни автомобилнинг юкхонасига қўяди.

Сўнгра Фахриддиннинг топшириғига биноан Дилмурод автомобиласини Жомбой шаҳри томонга ҳайдайди. Холназар аллақачон ҳаётдан кўз юмганди. Жиноий гуруҳ аъзолари Фахриддиннинг уйига келган, биров дам олишади. Шундан сўнг Дилмурод жа-

сад ортилган автомобиласини Жиззах вилоятининг Галлаорол тумани томон ҳайдайди.

Тун қоронғусида овлоқ жойга етиб боришгач, жиноий тўда автомобиласининг давлат рақам белгисини ечиб олади ва Холназарнинг жасадни автомобиласининг ҳайдовчисига ўриндиғига ўтқизиб, ёнилғи сепиб, ёқиб юборишади...

Натижада "Спарк" русумли автомобиласи ва унинг салоинида бўлган марҳум Х.Мирзаевнинг жасади ёниб кетади. Жиноятчилар автомобиласидан ечиб олган автотранспорт воситасининг давлат рақам белгисини қасддан нобуд қилиб, ҳодиса жойидан яширинишади.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, бу муҳожир жиноятнинг очилишига унчалик кўп вақт кетмади. Йўл-патрул хизматига тегишли чегара постидида ўрнатилган кузатув камераси тасвирлари кўздан кечирилганда, "Спарк" автомобиласи ва уни бошқарган Д.Қурбоновни таниш қийин бўлмади. У қўлга олиниб, сўроқ қилинганда оғир жиноят содир этганини тан олди. Шундан сўнг Ф.Шамсидинов билан О.Бердиқулов ҳам ушланди.

Суд оғир жиноят содир қилган Ф.Шамсидиновга нисбатан 20, О.Бердиқуловга 19, Д.Қурбоновга 16 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади.

Шу тариқа илгари ҳам жиноий фаолият билан шуғулланиб, қасд олиш мақсадида ўта оғир жиноятга қўл урган қимсаларнинг қилмишига қонуний баҳо берилди.

Низомиддин ЭРНАЗАРОВ,
Жиззах вилояти суди судьяси

Куч — адолатда

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир: Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигига 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.



ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

- Бахтиёр ИСЛАМОВ
- Робохон МАХМУДОВА
- Халилullo ТУРАХУЖАЕВ
- Икром МУСЛИМОВ
- Холмўмин ЁДГОРОВ
- Зарифжон МИРЗАКУЛОВ
- Замира ЭСОНОВА
- Азиз АБИДОВ
- Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир:

- Сардор ҲАМРОЕВ
- Саҳифаловчи: Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нарийёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида офсет усулида босилди. Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Тўрқон кўчаси, 41-уй.
Манзилими: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1-уй
Тел.: 71-241-01-56, 71-239-02-54
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
 Нашр индекси: яққа тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.
 Буюртма: Г-915 Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 3 босма табоқ, Сотувда эркин нархда. Адади: 4433
 1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 22⁰⁰. Топширилди: 23¹⁵.